

ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ

Ҳакимова Малика

ЎзМу Француз филологияси кафедраси 4-курс талабаси.

Аннотация: Мазкур мақола ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлган таржима ва таржима муаммолари ҳамда таржима назариясига бағишланган. Мақолада турли олимларнинг таржима хусусидаги фикрлари келтирилган.

Калит сўзлар: назария, таржима, таржимашунослик, терминология, таржима жараёни.

Аннотация: Данная статья посвящена переводу, проблемам перевода и теории перевода, которая является одной из актуальных проблем. В статье представлены мнения различных ученых о переводе.

Ключевые слова: теория, перевод, переводоведение, терминология, переводческий процесс.

Abstract: This article is devoted to translation, translation problems and translation theory, which is one of the current problems. The article presents the opinions of various scholars about translation.

Keywords: theory, translation, translation studies, terminology, translation process.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида таржима назариясига катта қизиқиш уйғонгани бу қизиқиш муттасил кучайиб боргани, ҳатто “мода” тусини олгани кўзга ташланади. Мазкур тенденцияга таржима амалиёти тобора кенгайиб бориши ва бутун сайёрамиз ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаши туб асос бўлди. Бу даврда фақат қизғин илмий баҳс-мунозараларгина кузатилиб қолмай, балки, айни чоғда, турли олимларнинг шу зиддиятли ва мураккаб феноменга ўз “индивидуал” калитини топишга интилиши ҳам кузатилади. Назарий ишланмалар соҳасида тажриба тўплаш аввал излаб топилган ҳақиқатларни ривожлантириш орқали эмас, балки янгидан-янги концепциялар мусобақаси орқали давом эттирилади. Шу вақтгача на назариётчилар, на ёзувчилар ҳаёлига таржима ўзи нима деган савол келмаган эди. Бунга ўз-ўзидан маълум ва барчага тушунарли ҳақиқат деб қараб келинарди.

Табийки, таржимага таъриф на Пушкин, на Жуковский, на Гёте, на Шатобриан, на Гюго бисотида учрайди. Нафақат классиклар, балки К. Чуковский ва И. Кашкин китобларидан, 20-30-йиллар адабиётшунослари ва назариётчилари асарларидан ҳам бундай таърифни топиш даргумон. Таржима назарияси “илмий давр”га қадам қўйгач, ўзгача вазият юзага келди. Бу даврда бир қатор олимлар таржимага ўзининг тўлиқ, мукамал таърифини беришга интилдилар. Таржиманинг лингвистик дефинициялари К.Р.Баушнинг ушбу сўзларига аниқ ва равшан далил бўла олади: у шундай деган: “Назаримда, шу кунги лингвистика онгли ҳолдами ёхуд онгсиз ҳолдами янги терминологик Бобил минорасини тиклашга ҳаракат қилиб ётибди”. “Бу соҳада терминология борасида ҳам, усул ва тушинчалар борасида ҳам хилма-хиллилик, аниқроғи, чалкашлилик ҳукм сурмоқда” деб ёзади муаллиф фикрини давом эттириб. Бундай чалкашлилик лингвистикадан ҳам кўра

таржима назариясида кўпроқ учрайди, чунки таржимага жараён сифатида таъриф берувчилар фикри унга натижа сифатида таъриф берувчилар фикри билан, лингвистика нуқтаи назари тарафдорлари фикри эса адабиётшунослик нуқтаи назари тарафдорлари фикри билан зидма-зид келяпти.

Ю. Найда ва Ч.Р. Таберларнинг таъкидлашича: “Таржима – продуктор-тилдаги фикр-мулоҳазани рецептор тилда, биринчидан, мазмун, иккинчидан, услуб нуқтаи назаридан эквивалентга яқинлаштириб қайта яратишдир”.

А. Фёдоровнинг таъкидлашича: “Таржима жараёнининг мақсади – лисоний асар яратишдир, бундай асар эса ғоявий ва эстетик яхлитлик сифатидаги аслиятга ўз мазмун – моҳияти ва услубий функциясига кўра мувофиқ бўлмоғи лозим”.

К. Райснинг фикрича: “Таржима – тортиқ этувчи тилдаги матннинг қабул қилувчи тилдаги версияси бўлиб, мазкур версия учун оригинал матнни унга уйғун матн типи воситасида бериш, оригиналнинг ички тил қоидалари орқали юзага чиқаётган ғайри лисоний детерминантларини ифодалаш бош мақсад ҳисобланади”.

В.Комиссаровнинг айтишича: “Таржиманинг денотатив назариясига кўра, таржима – аслият тилида тавсифланган денотатларни таржима тилида қайта тавсифлаш жараёнидир”.

А.Людсканов эса шундай дейди: “Таржима деганда муайян хабарни таркиб топтирган белгиларни бошқа бирор код белгиларига алмаштириш жараёни тушунилади. Бунда мазкур хабарнинг координата тизимига инвариантлик (энтропия сабаб канчалик имкон бўлса, шунчалик) сақланмоғи лозим”.

А.Попович қуйидагича таъриф беради: “Таржима нутқий матнни қайта кодлаш бўлиб, бунда матннинг янги лисоний қиёфаси ва стилистик шакли юзага келади”.

Г.Егернинг фикрича: “Таржима бирвалентли лисоний хабардан фарқ этувчи алоҳида коммуникацияни шундай йўл билан таъминлайдики, бунда, дейлик, Я-а тилдаги матн қайта кодланса, унинг коммуникатив маъноси Я-б тилда сақланиб қолиши зарур, негаки Я-а тилдаги матн билан Я-б тилдаги матн коммуникатив жиҳатдан ўзаро эквивалентдир”.

“Таржима – матнни қайта ишлаш ва қайта ифодалаш жараёни бўлиб, у аслият тилдаги матндан ўғирма тилдаги матнга қараб ҳаракатланади. Бунда аслият тилидаги матнга ўғирма тилидаги матн имкон қадар эквивалент бўлиши шарт қилиб қўйилади. Зеро, таржима аслият матнининг мазмуний ва услубий қайта идрок этилишини назарда туттади”.

“Таржима – бирор матннинг ўзга маданий муҳитда янгидан яралишидир. Бунда у мазкур маданиятнинг бир бўлагига айланади ва унда ҳукм сураётган вазиятга мувофиқлашади”.

“Таржима – тиллараро ва маданиятлараро коммуникациянинг бир йўналиши ва икки босқичга эга жараёни бўлиб, бу жараёнда бирламчи матн аниқ мақсад (яъни таржима қилиш) кўзда тутилган ҳолда таҳлил этилиб, шу асосда иккламчи матн (метаматн) юзага келтирилади ва шу иккламчи матн бошқа тил ҳамда маданият муҳитида бирламчи матн ўрнини босади; иккламчи матн икки тил, маданият ҳамда коммуникатив вазият ўртасидаги фарқ тафовутлар сабаб жузъий ўзгаришга учраган бирламчи матннинг коммуникатив эффеқтини беради”. Шу ўринда фақат бадий таржиманинг ўзигагина берилган баъзи таърифларни ҳам келтириб ўтиш мумкин. Аммо улар анча оз, яна қатъий илмий бўлмай, аксар тавсифий табиатга эга, қолаверса, асосан рус тили ёхуд собиқ Иттифок республикалари тилларида чоп этилган асарларда учрайди. Кейинги ўн йилликларда таржимашунослик амалиётга тепадан туриб, менсимай қарашга одатланмоқда. У кўпинча

амалиётдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаяпти, аммо ўзи унга деярли ёрдам бермаяпти. Бунинг устига, назария амалиётга ўз меъёрларини тикиштираяпти-ю, лекин ўзи амалиётдан меъёрларни олаолмаяпти. Шундай дейишга асос етарли.

Бугун назария ва амалиёт ўртасида, ниҳоят, табиий мувозанат тикланмоқда, бундай шароитда эса ижод назария учун хизмат қилмайди, балки назария ижод учун хизмат қилади. Таржима назариясининг асосий муаммолари атрофида ҳали ҳам баҳс-мунозаралар тингани йўқ. Бу эса шуни яна бир бор тасдиқлайдики, биз филологиянинг ҳозирча ўз мавқеи ва тушунчаларини тўлиқ аниқлаб олмаган янги, ёш соҳаси билан иш кўрмоқдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бауш К.Р. Сравнительное языкознание, прикладная лингвистика и перевод// Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. М., 1978. С. 55.
2. Wuthenow R.R. Das fremde Kunstwerk. Gottingen, 1969. S. 179.
3. Копанев П.И., Беер Ф. Теория и практика письменного перевода –Минск. 1986. С.34.
4. Қаранг: Traducere navem. Festschrift fur K.Reiss zum 70. Geburtstag (Hrsg. Von I. Hotz. Manttari und ch. Nord). Tampere, 1993, S. 61.
5. Kelly L.G. The true Interpreter. A History of Translation. Theory and Praticce in the West, Southampton, 1979. P. 4.
6. Sadullaeva N., Sapaeva D. Analysis of Eponyms in the Terminology of Dermatovenerology //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 452-459.
7. Sadullaeva, N., & Bakhtiyorova, M. (2021). Reflection of Onomastic Principles in Naming. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 3001-3007.
8. Sadullaeva N., Burieva U. The Peculiarities of Incomplete Sentences in Modern English //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 3008-3020.
9. Sadullaeva S., Arustamyan Y., Sadullaeva N. Shifting the assessment paradigm from knowledge to skills: Implementation of new appraisal procedures in EFL classes in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 9. – №. 1. – С. 4943-4952.
10. Arustamyan, Y., Siddikova, Y., Sadullaeva, N., Solieva, M., & Khasanova, N. (2020). Assessment of Educational Process and its Organization. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(S1), 573-578.
11. Nilufar S., Elvira A. GENDER SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL DISCOURSE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2023. – Т. 3. – №. 08.05. – С. 187-190.
12. Gulnoza K., Sadullaeva N. LINGUISTIC FEATURES OF GLUTTONIC DISCOURSE.
13. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory and Its Reflection In French Phraseology." Journal of Positive School Psychology (2022): 2883-2889.
14. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" rakana's love"." Конференции. 2021.
15. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek

- Phraseology." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
16. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into "Historical Memory" in French and Uzbek Linguistic Traditions." American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
 17. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing "Historical Memory" In Uzbek and French Languages." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
 18. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing "Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." Best Journal of Innovation in Science, Research and Development 2.11 (2023): 490-492.
 19. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." Академические исследования в современной науке 2.17 (2023): 165-169.
 20. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." Academic research in educational sciences 3.5 (2022): 1176-1182.
 21. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(6), 879-884.
 22. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2023,[1/4] (2023).